

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАСИМОВ БАХТИЁР ВАСИЕВИЧ**

**КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА**  
**ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБЛАРИДАН**  
**Фойдаланиш самарадорлиги**

**08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

**Насимов Бахтиёр Васиевич**

Корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент  
услугларидан фойдаланиш самарадорлиги..... 3

**Насимов Бахтиёр Васиевич**

Эффективность использования современных методов менеджмента в  
управлении деятельностью предприятий..... 27

**Nasimov Bakhtiyor Vasievich**

Efficiency of using the modern management methods in managing  
enterprise's activities..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАСИМОВ БАХТИЁР ВАСИЕВИЧ**

**КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА**  
**ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБЛАРИДАН**  
**ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt63 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ташходжаев Мухторхон Махсудович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимова Дилфуза Нигматовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исаев Равшан Абдурахмонович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю.Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.А.Маҳкамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви шароитида тобора кучайиб бораётган рақобат курашига бардош бериш, унинг талабларини бажариш, илғор технологиялар ва инновациялардан самарали фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий менежмент усулларида самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу борадаги талабларнинг бажарилиши, тенденция ва жараёнларнинг таъминланиши реал сектор корхоналарини, хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари иқтисодиётини комплекс ривожлантириш, уларга инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти доирасини кенгайтириш ва кўламини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларига эришиш имконини яратади. Дарҳақиқат, «ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат улушининг 40,0 фоизи, қишлоқ хўжалиги улушининг 5,0 фоизи ва хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг эса 50,0 фоиздан ортиғи»<sup>1</sup> тўғри келаётган бугунги шароит ҳам шуни талаб этади.

Жаҳон миқёсида корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан мақсадли фойдаланиш, бошқарув самарадорлигини интенсив кўрсаткичлар асосида комплекс баҳолаш ҳамда инвестицион салоҳиятини оширишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, замонавий бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобига корхоналарни интенсив ривожлантиришни таъминлаш, замонавий менежментнинг бошқарув методологиясини такомиллаштириш, инновацион тизимли таҳлил усуллари кўллаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Жаҳонда корхоналар инновацион фаолиятининг ривожланиши ва уларнинг замонавий бошқаруви ҳамда етакчи давлатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва муносабатларни янада такомиллаштириш ҳозирги даврдаги асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар натижасида корхоналарнинг тузилмавий-таркибий ўзгаришлари амалга оширилмоқда ва улар фаолиятига замонавий бошқарув усуллари жорий этилмоқда. Аммо ҳозирги шароитда корхоналарда инновацион ғоялар ва технологик ишланмалардан фойдаланиш асосида замонавий бошқарув механизмларининг ишлашини таъминлаш, бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда инвестициялардан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш<sup>2</sup>» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан

<sup>1</sup><http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/preview/4404434/page:30/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

фойдаланиш самрадорлиғни оширишни тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблиғини белгилайди.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиғи.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Корхоналарнинг инновацион ривожланиши ва бошқаруви масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, бу борада хорижлик олимлардан А.Шоу, К.Р.Макконел, С.Л.Брю, А.Смит, Р.Такер, М.Портер, Й.Шумпетер<sup>3</sup> ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиғи (МДХ) олимларидан корхоналарнинг иқтисодий ривожланишида инновацияларнинг роли, турли хилдаги инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасига таъсири, бошқарув борасидаги фундаментал тадқиқотлар Л.И.Абалкин, И.Ансофф, В.П.Баранчев, В.П.Красовский, Р.А.Фатхудинов, В.Г.Грузинов, Ш.И.Гизатуллин, В.Д.Грибов, М.Хучек<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни бошқариш масалалари Н.Қ.Йўлдошев, Б.К.Ғойибназаров, С.С.Ғуломов, Э.Х.Махмудов,

<sup>3</sup> Show A. Some Problems in Market Distribution. Quarterly Journal of Economics, XXVI August 1912. - P.703-765; Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992. – 388 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.: Наука, 1992. Т.1–. С. 13; Такер Р. Инновации как формула роста: новое будущее ведущих компаний (пер. с англ. Анкудинова А.), 2006, - С.240.; Портер М. Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance. – New York: The Free Press, 1985 (2nd ed. – New York: Free Press, 1998. – 592 p. – ISBN 978-0-684-84146-5); *русск. пер.:* Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2-е изд. – 2008). – 720 с. – ISBN 978-5-9614-0760-0. Шумпетер Й. История экономического анализа: В 3 тт (пер. с англ., под ред. Автономова В.С.). – М.: Экономическая школа, 2004. – С.1666.

<sup>4</sup> Абалкин Л.И., Абрамова М.А., Алексеев А.И. Национальная экономика: учебник. – М.: Экономист, 2005. – С. 813; Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989 – С. 358; Баранчев В.П. Управление инновациями. – М.: Высшее образование, 2009, – С.712; Резервы повышения эффективности инвестиционного комплекса: монография / В. П. Красовский, Л. М. Смышляева, М. Н. Лойтер и др.; Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент.: учеб. для вузов. – М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-синтез»», 1998.- 17с.; Хучек М. Инновация на предприятии и их внедрение.- М.: Луч, 1992г, В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003. Ш.И. Гизатуллин. Как избежать банкротства. Рецепты финансового оздоровления предприятия М.: ЗАО Гресс Медиа Ферлаг 2004. В.Д Грибов, В.П. Грузинов. Экономика предприятия. Учебник – М.: Финансы и статистика 2004.;

М.Қ.Пардаев, Б.Камилжонов, Э.А.Ақромов, А.Ортиқов, Ф.Каримов. С.Н.Хамраева, Р.Х.Эргашев, А.М.Қодиров<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Аммо юқорида номлари қайд этилган олимларнинг илмий изланишларида корхоналар инновацион бошқарувининг умумуслубий хусусиятлари билан чекланиб қолинган. Бизнинг тадқиқотимизда эса замонавий менежмент услубларини қўллаш асосида корхоналарни инновацион бошқариш масалалари илмий тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170928323 «Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг назарий асосларини ёритиш;

корхоналар фаолияти бошқаруви самарадорлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш ва инновацион ривожланиш индексларини ишлаб чиқиш;

корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналар фаолияти бошқаруви самарадорлигини интеграл баҳолаш кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эконометрик усулларни қўллаш орқали баҳолаш;

корхоналар бизнес жараёнлари ва маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражаси ва самарадорлигини оширишда замонавий менежмент услубларидан кенг фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамизда фаолият юритаётган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолиятини замонавий менежмент услубларини қўллаш асосида бошқариш

---

<sup>5</sup> Ғойибназаров Б ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Монография, - Т: ФАН, 2010 – 268 б. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. ўқув қўлланма, - Тошкент: «Янги авлод», 2012 – 332 б; Макаренко В.А. Современный словарь. В 2 т. – М; 2000; Йўлдошев Н.Қ. ва бошқалар. Инновацион менежмент. Дарслик –Т.: ТДИУ, 2011; Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш -Т.: Фан, 2007; Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. Ақромов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б. Э.Х. Махмудов, А. Ортиқов, Ф. Каримов. Корхона - иқтисодиётнинг асосий бугини // Ҳамкор. - 2004. - 7 февраль, Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Укреплять экономику предприятия // Частная собственность. - 2004. - №48, ноябрь.

самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, суҳбат, қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

корхоналар фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими иқтисодий салоҳиятни баҳолашда ишлаб чиқариш омилларининг жалб этилганлик, ҳудудий мансублик ҳамда бошқарувнинг мураккаблик даражаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

корхоналарни барқарор ривожлантиришнинг синергетик самарадорликни таъминлашга йўналтирилган мослашувчан тизимини яратиш учун ресурсларни бошқаришда «тадқиқот ва таълим тизими – оралиқ институтлар – қиймат яратувчилар» занжирининг босқичли ёндашуви ишлаб чиқилган;

корхоналарнинг стратегик бошқариш тизими фан ва технологиялар салоҳияти, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда кластерларни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

корхоналар фаолиятини бошқариш самарадорлигини интеграл баҳолаш услуги уларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, минтақаларнинг ҳудудий тақсимланиши, ресурсларни олишга бўлган ҳуқуқи ҳамда инновацион ривожланиш дастурларини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ички ва ташқи омилларни қўллаш, ҳудудий мансублик ҳамда бошқарувнинг мураккаблик даражаларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган;

корхоналар фаолиятини стратегик бошқаришнинг синергетик самарадорлигини оширишга қаратилган мослашувчан тизимни яратиш учун босқичли ёндашув таклиф этилган;

замонавий менежмент услубларини қўллаш ҳисобига корхоналарнинг стратегик бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

корхоналарда бошқариш самарадорлигини интеграл баҳолаш услуги мақсадли дастурларни қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги иқтисодиёт тармоқлари таркибидаги корхоналар статистик маълумотларидан кенг фойдаланилганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари ҳамда назарий ишланмалар амалий вазифаларни ҳал этишда қўлланилиши ҳамда хулоса, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтгани, шунингдек, олинган натижалардан амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан корхоналарда стратегик бошқарув усулларини қўллаш самарадорлигини оширишда, бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини

такомиллаштиришга доир махсус тадқиқотлар натижаларини жорий қилишда ҳамда жалб этиладиган инвестициялар самарасини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улар корхоналар фаолиятини стратегик бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари, стратегик бошқаришнинг назарий ва методик механизмларини такомиллаштириш ҳамда корхоналарни бошқаришда қўлланилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, «Менежмент», «Бизнесни бошқариш», «Стратегик менежмент» фанлари бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхоналар фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари тизимини иқтисодий салоҳиятни баҳолашда ишлаб чиқариш омилларининг жалб этилганлик, ҳудудий мансублик ҳамда бошқарувнинг мураккаблик даражаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги амалиётига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 5 мартдаги СС-6-3/20-619-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши корхоналарнинг инновацион салоҳияти ўсиш суръатларини 10,0 фоизга ошириш имконини берган;

корхоналарни барқарор ривожлантиришнинг синергетик самарадорликни таъминлашга йўналтирилган мослашувчан тизимини яратиш учун ресурсларни бошқаришда «тадқиқот ва таълим тизими – оралиқ институтлар – қиймат яратувчилар» занжирининг босқичли ёндашуви бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги амалиётига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 5 мартдаги СС-6-3/20-619-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида корхоналарнинг инновацион жараёнларини самарали бошқариш орқали умумий тушум ҳажми 8,0 фоизга ошган;

корхоналарнинг стратегик бошқариш тизимини фан ва технологиялар салоҳияти, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда кластерларни қўллаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги амалиётига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 5 мартдаги СС-6-3/20-619-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида корхоналарнинг инновацион жараёнларини самарали бошқариш орқали харажатлар ҳажми 12,0 фоизга камайган;

корхоналар фаолиятини бошқариш самарадорлигининг интеграл баҳолаш услубини иқтисодий ривожланганлик даражаси, минтақаларнинг ҳудудий тақсимланиши, ресурсларни олишга бўлган ҳуқуқи ҳамда инновацион ривожланиш дастурларини қўллаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги

амалиётига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 5 мартдаги СС-6-3/20-619-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини аниқлаш, ҳисоб-китоблар доирасини кенгайтириш ҳамда кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корхоналар фаолиятини замонавий бошқаришнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида замонавий бошқаришнинг моҳияти, назарий жиҳатлари, турли мулкчилик шаклларида асосланган корхоналарни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Ҳар қандай корхона фаолиятининг самарадорлиги узоқ муддатга мўлжаллаб мукамал ишлаб чиқилган мақсадига боғлиқ бўлади. Агар корхонанинг ривожланиш мақсади бўлмаса ёки у хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол корхонага бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун имкон бермайди. Замонавий илм-фан ва амалиёт стратегик режалаштириш ҳамда бошқаришнинг катта тажрибасига эга, бироқ кўпгина стратегиялар ҳалигача ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаша олмаяпти. Стратегик бошқаришнинг барча муаммолари ҳанузгача ўз ечимини топмаганлигидан далолат берувчи бундай ҳол, биринчи навбатда, корхона ривожланиши стратегик барқарорлигининг механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup>Каплан Р.С., Нортон Д.П. Организация, ориентированная на стратегию. Как в новой среде-бизнесе преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей/Пер.с англ.-М.:Олимп-Бизнес. 2004-46 с.

Хориж ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг ишларини таҳлил қилиш, «замонавий бошқариш» тушунчасига берилган таърифларнинг ўта хилма-хиллигини кўрсатди. Шу билан бирга, талқинлардан ҳар бири замонавий бошқарувга доир фаолиятнинг бу кўринишдаги тушунчасига оид асослардан бирини, масалан, мақсадли бошқариш жараёни босқичларини, корxonанинг танланган мақсадларини амалга оширишда, прогнозлар, назорат ҳамда тескари алоқа ва ҳоказолар асосида уни ўраб турган муҳит билан алоқаларни аниқлаш ва ўрнатиш жараёни тузилмалари чуқурлаштирилган ҳолда тадқиқ этилиши билан ажралиб туради. Аммо бошқарувга доир бу фаолият кўринишининг ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятларини тўла-тўқис ўзида мужассамлаштирган, замонавий бошқариш моҳиятининг тўлиқ ва ҳар тарафлама таърифи келтирилмаган.

Диссертацияда замонавий бошқаришнинг муаллифлик таърифи таклиф этилган. Бошқарувга оид бу фаолиятнинг базис мезонлари акс этирилган. Мазкур таърифга кўра: «Замонавий бошқарув – ишлаб чиқариш объектларини самарали ривожлантиришни таъминлаш мақсадида шу объектларнинг ички ва ташқи муҳитлари муҳим омиллари жорий тенденцияларини узлуксиз қиёсий таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдан иборат бўлган фаолиятдир». Ушбу таъриф корхонада бошқарувга оид фаолиятнинг у ёки бу кўринишини асосланган ҳолда характерловчи белгилар (мезонларнинг) тўлиқ тавсифланишини аниқ ифодалайди.

Замонавий бошқарув тизимида корxonанинг келажак фаолияти ретроспектив кўрсаткичларини ўрганиш ва улар экстрополяция усулини қўллаш асосида белгиланиши назарда тутилади. Экстраполяция - ўтган замонда ўрнатилган тенденцияларнинг келгуси давр учун ҳам жорий этилишидир. Бошқача айтганда, прогноз ишлаб чиқишда, келгусида корхона фаолиятининг шарт-шароитлари ёмонлашмайди. Демак, бунда ўтган даврлардагига нисбатан корхона фаолиятининг якуни яхши бўлишидан келиб чиқилади. Корхона тараққиёти даражасини оширувчи тенденцияси (тренд)нинг намоён бўлиши шундан иборат<sup>7</sup>.

Корxonанинг келажакдаги барқарорлигини баҳолаш учун ривожланиш тенденциясини (трендини) ифодаловчи комплекс интеграл кўрсаткич ишлатилади; чуқурроқ таҳлил қилиш ва захираларни аниқлаш учун кўрсаткичларнинг кенгайтирилган тизимидан фойдаланилади. Шундай қилиб, корxonанинг келажакдаги барқарорлигини баҳолаш корхона фаолиятининг турли томонларини баҳолашни назарда тутди. Бунинг устига, бундай баҳолаш динамикликда ва маконда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда корхона ривожланишига фақат инновацияларнинг узлуксиз равишда жорий этилиши билангина эришиш мумкин. Компаниялар рақобатли устунликка эришишларида инновациянинг ролини аниқлаган М.Портернинг таъкидлашича, «...компаниялар рақобатдаги устунликни инновациялар воситасида қўлга киритади. Улар янги киритилган тартиб-


---

<sup>7</sup>Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – С. 358; Баранчев В.П. Управление инновациями. – М.: Высшее образование, 2009. - С.712.

қоидаларга ҳам янги технологиялардан, ҳам янги иш усулларидан кенг маънода фойдаланган ҳолда ёндашадилар. Компания янгиликлар туфайли рақобатдаги устунликларга эришганидан кейин, бу устунликларни фақат мунтазам равишдаги яхшилашлар ёрдамида қўлда тутиб туриши мумкин. Рақобатчилар инновацияларни такомиллаштириш ва жорий этишдан тўхтаган ҳар қандай компанияни дарҳол ва албатта четлаб ўтиб кетадилар»<sup>8</sup>.

Корхона рақобатбардошлиги деганда, истеъмолчилар учун рақобатчиларнинг товарларига нисбатан кўпроқ ўзига тортувчан товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш тушунилади. Рақобат муҳитини узлуксиз назорат қилиб туриш ишлаб чиқаришни эҳтиёжларни энг самарали усулда қондириш учун йўналтирилган зарурий шартидир. Рақобат муҳитининг ҳолати ҳақидаги хулосалар корxonанинг инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Моҳиятан, рақобатчилар устидан эришилган устунлик инновациялар туфайли бўлади ва шунинг учун, корхона фаолиятидаги рақобатчилар устидан эришиладиган ҳар қандай устунликни таъминловчи янги элементларни жорий этишга бўлган лаёқат шу корхона рақобатбардошлигининг зарурий механизмидир. Корхона барқарорлиги унинг давомийлик жиҳатдан узоқ муддатга мўлжалланган самарали фаолият кўрсатишини характерловчи мураккаб иқтисодий категория бўлиб, корxonанинг рақобатбардошлиги, иқтисодий хавфсизлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги каби учта элементга асосланади (1-расм).



1-расм. Корхона барқарорлиги элементларининг тузилмаси<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Портер М. Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance. – New York: The Free Press, 1985 (2nd ed. – New York: Free Press, 1998. – 592 p. – ISBN 978-0-684-84146-5); *русск. пер.*: Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2-е изд. – 2008). – 720 с. – ISBN 978-5-9614-0760-0.

<sup>9</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу элементлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва биргаликда фаолият кўрсатади, аммо турлича функционал вазифаларга эга. Рақобатбардошлик корхона ривожланишининг салоҳиятини, барқарорлик эса, корхонанинг узоқ муддатли истиқболини белгилайди. Айтиш мумкинки, корхонанинг барқарорлиги – вақтларга тақсимланган рақобатбардошлиқдир. Вақтнинг унча катта бўлмаган оралиқ(интервал)ларида бу иккала тушунча тенг кучга эга бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқаришни, меҳнат ва бошқаришни ташкил этишда, унинг техник ҳамда технологик имкониятларида ифодаланган ишлаб чиқариш салоҳияти инновацияларни ўз вақтида таъминлаб берадиган элементдир.

Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти қанча юқори бўлса, маҳсулот ишлаб чиқаришга ва унинг сифатига қилинадиган харажатлар улуши даражаси шунча паст бўлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатчилар товарлари сифатидан юқори турувчи сифати инновацион салоҳиятнинг моддий ифодаловчисидир.

Иқтисодий тизимлар ривожланишининг инновацион турга ўтиши зарурияти туфайли юзага келган объектив сабаблар бутун инновацион-инвестицион жараёнда илмий-техникавий ва иқтисодий омилларнинг самарали равишда ўзаро ҳамкорликда ишлаш муаммолари комплекс ҳал этилишини талаб қилади. Фикримизча, технологик ва иқтисодий салоҳиятларни оқилона уйғунлаштириш инновацион-инвестицион жараёни бошқаришнинг марказий масаласини ташкил этади.

Тадқиқотда корхонанинг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга баҳо берилган. 1-жадвалда корхоналардаги асосий инновацион йўналишлар ҳамда инновацияларни жорий қилишга салбий таъсир қилувчи омиллар, шу билан бирга, тадқиқотда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминловчи омиллар таҳлил этилган.

Омилларнинг кўплиги уларнинг муайян белгилар бўйича таснифланишини амалга оширишга имкон беради. Корхонанинг ташқи омилларига қуйидагилар киради: иқтисодиёт соҳасида давлатнинг инқирозга қарши қаратилган сиёсати; мамлакатдаги демографик вазият; сиёсий барқарорлик; фан ва техниканинг тараққиёти; транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги ва бошқалар.

Ички омиллар корхонанинг ички муҳитида, кичик тизимларида (ходимлар, ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш, молия, ташкилий тузилма) шаклланади.

Ички омилларни бошқариш корхонага барқарорликни мустаҳкамлаш резервларини аниқлаш ва ташқи омиллар ўзгарган тақдирда, ишлаб чиқаришни тезкор равишда бошқариш имконини беради.

Корхонанинг тизимли ривожланиши марказлаштиришдан номарказлаштиришгача бўлган босқичларни бирин-кетин босиб ўтиш орқали амалга оширилади. Бу шуни англатадики, корхонанинг ҳар бир элементи режалаштирилганлик, ташкиллаштирилганлик хусусиятига эга бўлиб боради. Моҳиятига кўра, корхона томонидан бошқаришнинг номарказлаштирилган схемасига ўтиш объектга, уни бошқа ҳолатга ўтказиш учун мақсадга йўналтирилган ташқи таъсир сифатидаги бошқарув парадигмасининг ўзини ҳам ўзгартиради. Номаълум бўлган ташқи муҳит шароитида корхона элементларини

мустақил равишда қарорлар қабул қилиш даражасигача ривожлантириш корхона рақобатбардошлигини таъминлашнинг заруриятидир. Бошқа томондан, корхона ташқи муҳитдаги яхлитлик сифатида, мақсадга йўналтирилган ривожланиш сифатида муайян белгиларга эга бўлиши керак. Уларнинг асосийси – бошқарилувчанликдир. Шу муносабат билан бундай номарказлаштириш хусусиятига эга бўлган корхонани бошқариш анъанавий шаклдан фарқ қилувчи бошқа шаклга эга бўлиб боради. Корхонани ривожлантиришнинг тизимли бошқарилиши, шакллантирилаётган хусусиятларнинг қуйидагича кетма-кетлигида амалга оширилиши мумкин: эгилувчанлик – мослашувчанлик – рақобатбардошлик.

## 1-жадвал

### Корхоналар фаолиятининг замонавий бошқаруви самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлили<sup>10</sup>

№	Омиллар	Омиллар таъсири натижалари
1.	Билим ва кўникма	Ишлаб чиқариш корхоналарида айнан бошқарув (бозор иқтисодиёти қонунлари) бўйича билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги инновацион бошқарувни жорий этишга тўсқинлик қилади.
2.	Марказлашиш даражаси	Марказлашув даражаси юқорилиги қуйи поғона бошқарувчиларининг ижодий фикрлаш ва бошқарувда ижодий ёндашиш имкониятини чеклайди.
3.	Коммуникация тизими	Коммуникация тизими яхши ташкил қилинмаганлиги ёки бошқарувчи улардан самарали фойдалана олмаслиги айрим ҳолларда ахборот ва янгиликларнинг ўз вақтида етиб бормаслиги муаммосини келтириб чиқармоқда.
4.	Шартнома муносабатлари	Бошқарувчи ва ходим белгиланган вазифаларни аниқ билмаслиги ва уларга амал қилинмаслиги бошқарув жараёнини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.
5.	Инновацияларга бўлган қизиқиш	Бошқарувчилар томонидан инновацияларга бўлган қизиқишнинг пастлиги, яъни бошқарувдаги эгилувчанлик қобилиятининг камлиги.
6.	Рағбатлантириш	Бошқарувда рағбатлантириш тизими мукамал ишлаб чиқилмаганлиги инновацион бошқарувни жорий қилишга қизиқишни пасайтиради.

Корхоналар фаолиятига инновацион технологияларни татбиқ қилиш, стратегик бошқарув усулларида фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Таҳлил натижаларига кўра, корхоналар инновацион фаолияти стратегик бошқарувини жорий қилиш учун, энг аввало, бошқарувдаги кадрларнинг билим, кўникма, малакаларини ошириш, марказлашув даражасини камайтириш ва босқичлар орасидаги маълумот алмашиш тизимига янги ахборот технологияларини жорий қилиш, бошқарувдаги ходимларнинг инновацияга бўлган қизиқишини ошириш, рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, ҳар бир бошқарувчининг ўзига юклатилган вазифаларни аниқ ва тўлиқ тушуниши ҳамда ўз вақтида

<sup>10</sup>Муаллиф ишланмаси

бажаришини таъминлаш, норасмий мулоқатлар даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида замонавий менежмент услубларини қўллаш жараёнлари ҳамда уларнинг самарадорлиги таҳлили ёритилган.

Ҳозирги вақтда корхоналар амалиётида стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу уларнинг ваколати кенгайиши ҳамда ўзларининг иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражаси ошганлиги билан боғлиқдир. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар фаолияти самарадорлигини белгилайди. Шу боис корхоналарга энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади. Эндиликда, корхоналарнинг кўпчилиги ўз тараққиёти концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқиши зарур.

Тадқиқотда фаолият юритаётган корхоналарнинг тармоқ ва соҳалар бўйича тақсимланиши таҳлил этилди. Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат реестри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган юридик субъектлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 300,2 мингтага етган, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 285,5 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик субъектларнинг 95,1%ини ташкил қилди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 22,1 %и), саноат (17,5 %и), қурилиш (9,0 %и), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,7 %и) соҳаларига тўғри келади (2-расм)<sup>11</sup>.

**2-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, % (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари).**

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 244,9 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Шундан хусусий корхоналар –

---

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2018 йил январь-декабрь.-Тошкент, 2019.

75,8 мингта, оилавий корхоналар – 12,2 мингта, масъулияти чекланган жамиятлар – 148,9 мингта, акциядорлик жамиятлари – 0,7 мингтани ташкил этди<sup>12</sup>.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига (20,8 %и ва 10,2 %и), Фарғона ва Андижон (8,7 %и) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар иқтисодий фаолият турлари бўйича кўриб чиқилганда, уларнинг 44,2 %и саноат, 19,1%и савдо, 5,3 %и қурилиш, 4,0 %и яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 2,9 %и ташиш ва сақлаш, 2,9 %и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2,3 %и ахборот ва алоқа, 1,3 %и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 18,0%и бошқа фаолият турлари билан шуғулланади. Бундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турлари, энг кам қисми соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари билан машғул.

Шунингдек, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 22,8%и Тошкент шаҳрига, 9,4%и Тошкент, 8,9%и Андижон ҳамда 8,8 %и Фарғона вилоятларига тўғри келса, бу борадаги кўрсаткичга эга ҳудудлар Сирдарё 3,3 %и, Навоий 3,3 %и, Жиззах 4,1 %и, Сурхондарё 4,5 %и вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси 4,6 %идир. 2017 йилда хориж капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг 163 таси Хитой Халқ Республикаси, 157 таси Россия Федерацияси, 86 таси Туркия Республикаси, 75 таси Қозоғистон Республикаси, 73 таси Корея Республикаси, 32 таси Буюк Британия, 29 таси АҚШ, 27 таси Ҳиндистон Республикаси, 24 таси Озарбайжон Республикаси, 20 таси Эрон Ислом Республикаси резидентлари капитали иштирокида ташкил этилган корхоналардир<sup>13</sup>.

Хорижий капитал иштирокидаги 863 та янги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (535 та), Тошкент (88 та), Самарқанд (56 та) ва Фарғона (45та) вилоятларида ташкил этилди. Бу борадаги кўрсаткич энг паст вилоятлар қаторига Навоий (3 та), Қашқадарё (6 та), Сурхондарё (9 та) ҳамда Хоразм (10 та) вилоятларини киритиш мумкин. Хорижий капитал иштирокидаги янги корхоналарнинг 414 таси саноатда, 136 таси савдода, 68 таси қурилишда, 51 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 194 та ва бошқа йўналишларда ташкил этилган<sup>14</sup>.

2018 йил январь-декабрь ойларида 55 011 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 34,1% га ошган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (12 714 та), Тошкент (5456 та), Самарқанд (4831 та) ва Фарғона (4338 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Аксинча, Сирдарё (1507 та), Навоий (2027 та) ва Хоразм (2299 та) вилоятларида ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада (3-расм)<sup>15</sup>.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

**3-расм. Худудлар кесимида янги ташкил этилган корхоналар  
ва ташкилотларнинг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

Агарда янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларни иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми савдо (11719 та), саноат (11279 та), қурилиш (6370 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (5628 та) ташкил этилган. Энг кам эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (1178 та), ахборот ва алоқа (1236 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (2115 та) фаолият турларига тўғри келган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)<sup>16</sup>**

Тармоқлар ва соҳалар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %
<b>Жами республика бўйича</b>	<b>32747</b>	<b>100</b>	<b>41013</b>	<b>100</b>	<b>55011</b>	<b>100</b>
Савдо	8549	26,1	7897	19,2	11719	21,3
Саноат	6616	20,2	10225	24,9	11279	20,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3357	10,2	5294	12,9	5628	10,2
Қурилиш	3044	9,3	3800	9,3	6370	11,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2840	8,7	3359	8,2	3900	7,1
Ташиш ва сақлаш	1666	5,1	1833	4,5	2115	3,8
Ахборот ва алоқа	945	2,9	1014	2,5	1236	2,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	544	1,7	877	2,1	1178	2,1
Бошқа турлар	5186	15,8	6714	16,4	11586	21,1

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Тадқиқотда корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омилларига баҳо берилган. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Фикримизча, ушбу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омиллар, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳамияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига, биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш – концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин. Бошқарувда эса, улар бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланadi.

Инсоннинг илмий-техник фаолияти натижасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки илгари мавжуд бўлган турларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жараён инновацион фаолият ҳисобланади. Инновацияни жорий этиш натижалари компанияларга рақобатда муҳим устунликка эга бўлиш имконини берадики, бу, корхона учун жиддий рағбатлантирувчи омил бўлади. Жаҳон тажрибаларининг кўрсатишича, корхоналар илм-фандаги ресурс тежовчи илғор ишланмаларни жорий қилишдан манфаатдор. Иккинчидан, бу глобал тадбир натижасида республикамиз корхоналари салоҳиятини янада ривожлантириш орқали унинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, учинчидан, корхоналарда чуқур диверсификациялаш тадбирларини амалга ошириш орқали барқарор ва сифатли товар маҳсулоти ишлаб чиқиш ҳамда соҳада самарадорликни тубдан ошириш имкониятлари янада кенгайди.

Тадқиқотда соҳада замонавий бошқарув фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилиб, корхоналарни барқарор ривожлан-тиришнинг мослашувчан тизимини яратиш учун ресурсларни бошқаришда янгича комплексли ёндашув ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Корхоналар фаолиятини замонавий бошқаришнинг концептуал тизими<sup>17</sup>

Таҳлилларга кўра, инновацион тизимни шакллантиришда уч босқични келтириб ўтиш мумкин. Бунда, корхонадаги тадқиқот тизимлари ҳамда таълим тизими дастлабки босқични ташкил қилади.

Тадқиқотда республикадаги корхоналарининг барқарор ривожланиши ва уларни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган SWOT-таҳлил асосида ёритилган (3-жадвал).

SWOT-таҳлил стратегик режалаштириш усули ҳисобланиб, ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитлардаги мавжуд омилларини аниқлашга йўналтирилган. Улар тўртта категорияга, яъни Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (бўш томонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (хавф-хатарлари) категорияларига ажратилади.

Маҳаллий корхоналарда самарали йўналишлардан бири сифатида кластерларни шакллантириш асосида хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Турли адабиётларда кластернинг кўплаб таърифлари ва кўплаб мамлакатларда кластер иқтисодиёти ривожининг кенг таърифи мавжудлиги келтирилади. Кластер назарияси ташаббускори бўлган М.Портернинг қайд этишича, кластер муайян соҳада умумий ва ташқи алоқалар билан бир-бирига боғлиқ бўлган компаниялар (етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва бошқалар) ва уларнинг асосий

<sup>17</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

фаолияти билан боғлиқ бўлган муассасаларнинг (таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, инфратузилма) географик яқин гуруҳидир<sup>18</sup>.

3-жадвал

### Корхоналар ривожланишининг SWOT таҳлили<sup>19</sup>

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги.	Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пастлиги.
Корхоналарга берилаётган молиявий имкониятлар.	Кооперацион алоқаларнинг узилиб қолиши.
Корхоналарда экспорт қилиш имкониятларининг юқорилиги.	Маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда инфратузилмалар етишмаслиги.
Арзон ишчи кучининг мавжудлиги.	Маҳсулотларни сотиш ва сақлашда муаммолар мавжудлиги.
Асосий фондлардан янада самарали фойдаланиш мумкинлиги.	Юқори малакага эга ишчи кучининг бошқа тармоқларга кетиб қолиши.
Бой хом ашё базасининг мавжудлиги.	Корхонада инвестицион лойиҳалар мавжуд эмаслиги ёки камлиги.
Инновацион салоҳиятни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги.	Инвестицияларнинг сезиларли даражада етишмаслиги, кўпгина корхоналарнинг паст даромадлилиги.
Имкониятлари	Хавф-хатар ёки таҳдидлари
Корхоналарда маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш имкониятлари.	Ички ва ташқи бозорларда нарх-навонинг ўзгариши.
